

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ — ИСТИҚЛОЛ СИЁСАТИНИНГ ТАНТАНАСИДИР!

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

2000 йил 11 январь, сешанба • № 5 (25.555).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга

Муҳтарам Ислому Абдуғаниевич!
2000 йил 9 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда, халқимизнинг муқабил кўнма овозини олиб, ишончли ғалабага эришганингиз билан чин кўнгилдан самимий табриқлайман! Ушбу юксак лавозимга қайта сайланганингиз Сизнинг умумхалқ эътирофига сазовор бўлганлигингиздан ва Сиз юрттаётган ислохотлар сиёсатининг, ватандошларимиз томонидан, ақиллик билан қўллаб-қувватланаётганлигиндан ёрқин далолат беради.

Президент сайлови, 1999 йилнинг декабрида бўлиб ўтган парламент сайловидек, мамлакатимизнинг демократия сари ҳаракатида янги қадам бўлди. Сайловлар фуқароларнинг сиёсий фаолияти ошганлигини, уларнинг, ўз сайлов ҳуқуқларидан фойдаланиш орқали, давлат ҳокимиятини шакллантиришда бевосита иштирок этишига имтиёзликларини кўрсатди. Бу билан муқабил Ўзбекистон ўзининг нафақат эркин демократик ривожланиш тамойиллари тарафдори эканлигини, балки, уларни изчиллик билан амалда татбиқ этаётганлигини ҳам бутун дунёга намойиш этди.

Ўзбекистон Республикаси сайловчиларига

Қадри ватандошлар!
2000 йилнинг 9 январь кунини муқабил мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тарихида муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов, муқабиллик ҳамда сайловчиларнинг юксак фаолияти асосида, бўлиб ўтди.

Унда, халқимиз ақсарият кўчилигининг эркин хоҳиш-иродасига биноан, Ислому Абдуғаниевич Каримов, муқабил ҳақиқат равишида, Ўзбекистон Президентини этиб, қайта сайлади.

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,
Ислому уммаги муבורак Рамазон ойи тугаланиши муносабати билан Ийд ал-Фитр байрамини кутиб олаётган фурсатларда, байрамнингиз кутлуғ бўлишини, Сизга соғлиқ-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон ҳукумати

ва халқига равақ тилашга ижозат бергайсиз. Янги минг йилликда тинчлик ва хавфсизлик тانتана қилсин.
Қамолти эҳтиром ила,
Табо Муслива МБЕКИ,
Жанубий Африка Республикаси Президентини

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислому Абдуғаниевич,
Муבורак Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Сиз Жаноби Олийларини самимий қутлайман. Сизга энг эзгу тилакларини йўлш билан бирга, мухтақам соғлиқ, бахт-саодат ва

дўст Ўзбекистон халқига порлоқ келажак тилайман.
Эҳтиром ила,
Асқар АКАЕВ,
Қирғизистон Республикаси Президентини

Нурли манзил сари

2000 йилнинг илк сайловларида халқро кузатувчи сифатида иштирок этганимдан ва айниқса, бу воқеа эндигина давлатчилик тажрибасини ортираётган Ўзбекистонда рўй берганлигидан бағоят хурсандман. Бир неча кунлик сарфар чоғида, ана шу кунларда кузатилган воқеалар асосида, бутун бошли муқтақил давлат ҳусусида ҳолис ва тўғри баҳо бериш — мушкул иш. Лекин гап Президент сайлови ҳақида борар экан, нафақат ана шу муқим кампания тўғрисида, балки унчага амалга оширилган милсиоз ишлар ҳусусида гапирмаслик — адолатдан бўлмайд.

Бундай қилиб, халқ муносиб номзодни танловдан ва демократик тамойиллар асосида бўлиб ўтди. Жаҳонда 2000 йилда сайланган биринчи Президент билан нурли манзилга дадил йўл олишларини тилайман.

Ислому Каримовнинг ёрқин ғалабаси

2000 йилнинг 9 январини кунини Ўзбекистон халқини улкан тарихий воқеанинг гувоҳи ва бевосита иштирокчиси бўлди.

Тимиз тарихида биринчи марта шундай бўлди: биринчи марта марказий сайлов комиссиясининг матбуот маркази эрталабдан гавжум бўлди. Сайлов жараёнини Бритиш мақсадида бу ерга ўнлаб маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари йиғилди.

Сайлов жараёни қандай кечганини ёзишдан аввал матбуот марказининг ўзи ҳақида тўхталсак. Бу ерда журналистлар учун ҳамма шароит муқайм этилди. Халқро телефон ва факс алоқаси, Интернет ахборот тармоғи ишлай турди. Бутун республикани қамраган компьютерлаштирилган тизим тадбир қаерда қандай кечаётганидан ҳамма оғох этди. Юз бераётган ахборотлар да-роқроқ марказ ҳодимлари томонидан қозоғга тўширилади тарқатилди. Радио ва телевидение матбуот марказидан тўғридан-тўғри репортаж олиб турди. Оммавий ахборот воситаларига кўрсатилган бундай юксак эътиборга тўхталганимизнинг сабаби шундаки, у юртимизда демократия тамойиллари қанчалик муқтақамлини бораётганини кўрсатди. 14 та сайлов округи билан муқтақам компьютер алоқаси ўрнатилганиги ўзгаришларни ўта тезкорлик билан оммага етказиш имкони берди. Марказий сайлов комиссияси раиси Насриддин Комилов вақти-вақти билан марказга келиб, журналистларни сайлов жараёнининг бориши билан шахсан ўзи батафсил таништириб турди. Шу мақсадда ушатирилган матбуот анжуманларида журналистларда тутилган саволларга жавоб ҳам қайтарилди.

Сайловчи тадбирда қатнашиб бўлмади. МДХ ва Болтиқбўйидаги дипломатик ваколатхоналарда эса сайлов жараёни ниҳоят қолган. Айниқса, Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Латвиядаги ватандошларимиз анча фаолият кўрсатди.

Матбуот анжуманида ҳарбий қўрсаткичларнинг 81,96 фоизи дегани. Бир соатдан кейин эса шу куннинг ҳақрамонига айланган Н.Комилов тарихий 9 январь ҳисобидан сўнгги матбуот анжуманини ўтказди. У дастлабки айтиш мумкин эди. Айниқса, Сирдарё (98,05 фоиз), Андижон (97,41 фоиз), Жиззах (96,35 фоиз), Сурхондарё (91,18 фоиз) вилоятларида сайловчиларнинг фаолияти жуда юқори бўлди. Яна тўрт вилоятда (Навий, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм сайлов округлари) овоз бериб бўлганлар сони саксон фоизлик кўрсаткичдан ошиб кетди.

«Ўзбекистон овози»га обуна давом этмоқда

Хурматли мушаррийлар! Кимки газетамизга 2000 йил учун обуна бўлиб, ҳужжатларини расмийлаштирса-ю, аммо шу кезгача ҳам «Ўзбекистон овози»ни ололмаётган бўлса, зудлик билан бизга ёзиб юборишингизни ёки 133-73-43 рақамли телефон орқали хабар қилишингизни сўраймиз!

Анвар БОБОЕВ (ЎЗА)

Матбаа

Демуrow матбаасининг муқовасоз устаси С.П. Лекаревнинг эслашича, бу ўтган даврда, шахарлаги ака-ука Игнатовлар босма-хонаси, К.Х. Слиянов-Газаров ва К. типолитографияси ташкил топади. Бу ширкат-босмахонага шахар архитектори Нелли ҳам шерик бўлади. Ширкат-босмахона 1907 йилда Г.И. Демуrow типолитографиясига қўшилиб шахарда ўша замоннинг ягона йирик полиграф базаси вуждга келади. Матбаа эндиликда чой этикеткаларидан ташқари ўз кучини китоб чоп этишда ҳам синаб кўради. Аммо бу йўналишда кўпроқ қўшимча меҳнат талаб қилиниб, камроқ даромад олинганлиги боқулик савдогарга маъқул тушмаган. Устга-устак «Самарқанд» газетасининг қўшилган ташқири, яъни цензура ҳамда суллар томонидан қўйилган талаб ва катта жарималардан безган Г.И. Демуrow босма-хона қора юмушларини: молиявий муаммолардан ташқари кундалик, яъни бюртурмалар қабул қилиб ижарада бериш, тайёр маҳсулотларни бюртурмачига етказиш, ишчилар орасида катъий интизомни ўрнатиш каби вазифаларни Карапет Слияновга топшириб, ўзи Тифлисга жўнаб кетади. Уша ердан туриб босмахонанинг йирик муаммоларини ҳал қилиш билан челканган.

Самарқандда энг обрўли бўлган Г.И. Демуrow босмахонасининг литография босма бўлимида учта икки бўёқда ишловчи босма ускуна куну тун тинмай босма маҳсулот чоп этган. Бу полиграф ускуналарда тош формага шахл (текст) ни ўтказув, босма формани тайёрлов бўлимида ўн бешга яқин мутахассислар ишлаганлар.

Тарихий ҳужжатлардан маълум бўлишича, боқулик савдогар типолитографиясига Германия чой биржасининг Туркистондаги вакили Вогоу ва К., Озарбойжондаги, Тагиев, Ризаев, Алиаскаровлар, москвалик Кузнецов ва ака-ука Поповлар чой ёрликларига бюртурмалар берганликлари, Самарқанднинг ўзида бу каби фирма-биржаларнинг сони ўндан зиёд бўлганлиги, чой этикеткалари Трансмиссия ёрдамида ишловчи йигирма от кучига эга бўлган олти тошбосма ускуна (машина) ёрдамида уч сменали иш жалвалига кўра ишлаганлиги, матбаа XX асрнинг бошидаёқ электрлаштирилганлиги маълум бўлди. Шунингдек, матбаанинг тўртта босма бўлимида учта босма машина бўлиб, каттасида газета, икки кичида «Американка» да шахнинг кимлигини

билдирувчи варақа (визит карточка) чоп этилган. Бу бўлимда ўн икки мутахассис меҳнат қилган. Босма-хонага зарур бўлган барча полиграф машиналар бўёқ, қоғоз ва бошқа матбаа материалларни Г.И. Демуrow чой биржалари орқали хоридан келтирган.

Кекса муқовасоз уста С.П. Лекаревнинг баёнича, ўлкада биринчи точалка (китоб саҳифаларини бириктириб сым ёрдамида тикувчи) машина ва зарҳалловчи (золотопресс) ускуналар боқулик савдогарнинг босмахонасида иш бошланган. Уларни Г.И. Демуrow Польшадан иш машиналарда ишловчи мутахассислари билан биргаликда келтирган. Шунингдек, бу ерда Тифлистан ишга келган матбаачилар ҳам бўлган. Уларни ишчилар ўзаро муомалаларда «контрокис», яъни идора мутахассислари, Варшавадан келганларни «варшаваликлар» деб юртишган. Полиграф усталар туркистонлик матбаачиларга полиграф жараёнини, яъни китоб ҳошиясини бўйлаб сулуни ўлаштиришга ёрдам берганлар. Матбаанинг муқовасоз кўлимида бир томонлама қирқув, босим сақловчи, чиққовчи, парфөрвоқловчи, папшер полиграф машиналарида икки варшавалик мутахассисдан ташқари олти матбаачи ишлаган. Босмахона хўжайини четдан келганларга ойига 50, маҳаллийларга 35-40 сўм атрофида маош тўлаган.

Типолитография хусусийлаштирилгунга қалар (апрель, 1918 й.) унинг дастгоҳидан чой этикеткалари, визит карточка, турли хил бланка, конштовар, босма маҳсулотларидан ташқари «Қиссаи Иброҳим бин Аҳмад» ва Мирзо.Бедилнинг асарлари чоп этилганлиги босма китоб тарихи манбаларидан аён.

Дастлаб шахар босмахонаси, кейинчалик Морозов номи, мустақил Ўзбекистон Республикаси ташкил топгандан сўнг Ўзбекистон Давлат матбуоти қўмитасининг Самарқанддаги 3-сон босмахонаси дея аталади. Бу ерда маданий мерос намуналарини чоп этиш, халқ маърифати ва маънавиятини юксалтириш йўлида самарали меҳнат қилиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида қўмита матбаачилари қатори камтарона улшларини қўшиб келмоқдалар.

А. БОБОХОНОВ,
тарих фанлари номзоди

Ўзбекистонга қизиқиш ортмоқда

Сайёрамизнинг кунчиқар мамлакати — Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бормоқда. Икки томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантиришда айниқса, фуқаро авиацияси соҳасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этаётир. Япония орол давлати бўлганлиги боис авиациянинг роли беқийёс. Ҳар ҳафтада Япония ва бошқа мамлакатлар ўртасида 1600 дан ортиқ ҳаво қатновлари амалга оширилади. Утган йили ана шу йўналишлар жалвалидан Тошкент ҳам ўрин олганди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси япон сайёҳлари учун ёнги чартер қатновлари дастурини амалга оширган эди. Натижалда кўплаб япон сайёҳлари Ўзбекистонда бўлиб кўҳна тарихимиз, мейморий ёдгорликларимиз ва меҳмондўст халқимиз ҳаёти билан танишишга мурасар бўлишганди.

Японияда мамлакатимизга қизиқиш кун сайин ортмоқда. Шу боис яқинда Токиода «Uzbekistan Aviation Services» компанияси тuzилиди. Япониянинг бир қатор етакчи фирма ва компаниялари унинг тасвисчилари бўлишди. Утган жумлада Тошкентда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва унинг Япониядаги бош агенти ҳисобланган «Uzbekistan Aviation Services» компанияси ўртасида «Ҳам-жиҳатлик тўртисидати» меморандум ҳамда «16 та чартер қатновларини бажариш бўйича» битим имзоланди. Шу йил апрелдан октябргача бўлган даврда кўплаб, япон сайёҳлари мамлакатимизга ташриф буюришга мурасар бўлади. Қатновларни миллий авиакомпаниямиз энг замонавий «А-310», «Боинг-757» самолётларида амалга оширади.

Алишер РҲЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Юртингизга муносиб юртбошингиз бор...»

Шу муносабат билан биз Фаластин давлатининг Ўзбекистондаги Фахуллода ва мухтор элчиси жаноб Набил ал-Лаххам ҳузурда бўдик.

— *Элчи жаноблари, аввало сизни янги миңг йиллик кибриб келиши билан муборакбод этмоқчиман. Янги миңг йилликда дунёни қандай тасаввур этасиз?*

— Ўзбекистон халқини ўтган улуг айём Ийд рамазон ҳайити билан фаластинликлар номидан қутлайман. Осмонингизни осойишталик тарк этмасин. Тинчлик таянчи — юртбошингизга Тангрининг ўзи мададкор бўлсин. Яқинда Президент Ислам Каримовни «Аср одами» дея эътироф этишди. Инонамани,

кељақда бу муҳтарам инсонни «Янги асрнинг энг муносиб йўлбошчиси» дея дунё тан олади. Модомики, жаҳонда шундай йўлбошчилар бор экан, сафи кенгайвераркан, дунё янада равақ топади. Шу ўринда минтақавий хавфсизлик учун олиб борилаётган Ўзбекистоннинг одил сийсатини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

— *Жаноб Набил, шу ўринда давлатларимизро иқтисодий, маданий алоқаларимиз хусусида тўхталиб ўтсангиз.*

— Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам имкониятга эга, қудратли мамлакат. Алоқаларимиз хусусида гапирадиган бўлсам, Президент Ислам Каримовнинг Фаластинга қилган ташрифини алоқаларимизга қўйилган тамал тоши, деб бўлайман. Сийсий, иқтисодий барқарорлик ҳукм сураётган Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларимиз келусида янада теран илдиз

Муборак кунларда яшаймиз. Элимиз кўп қувончли воқеаларнинг шоҳиди. Буюк иқтисодий ўзгаришлар, сийсий жараёнларни бошдан кечираялмиш. Куни кеча кўш байрамни — Ийд рамазонни нишонладик, юртимизга юртбоши сайладик. Бу муҳим воқеалар жаҳон жамоатчилигининг ҳам диққат-эътиборида бўлди.

отишига ишонаман. Ва, бу йўлда қўлимдан келган барча ишни амалга ошираман. Зеро, элчи давлатлараро кўприқдир.

Маданий алоқалар айниқса, диққатга сазовордир. Чунки, Ўзбекистон дунёдаги энг қадимий тарихий обидаларга бой давлатлардан

биридир. Самарқанд, Бухоро, Хива тарихий ёдгорликлари етти иқлим мўъжизаларидан саналади. Шунданам юртингизда халқаро сайёҳлик жадал ривожланмоқда.

— *Жаноб элчи, ёшлар ҳақидаги фикрингиз бизни қизиқтиради.*

— Ёшлар азал-азалдан қайси мамлакатда бўлмасин, жамиятда катта роль ўйнайди. Фаластин ёшлари ҳам мамлакат иқтисодий, сийсий ҳаётининг негизини ташкил этади. Сийсий жараёнларда фаол қатнашадилар, дунёвий илмга, жаҳондаги тенглошларнинг турмуш тарзини кузатиб борадилар. Ўзбекистон ёшлари

ҳақида гап кетгудай бўлса, уларнинг аксарияти қобилиятли ёшлар эканлигини таъкидламоқчиман. Уларда ҳақиқий шарқона тарбия, зуққолик ҳамда европача эркин фикрлаш фазилатларини кўраман. Зотан, янги миңг йиллик тинчлик, барқарорлик, тараққиёт асри бўлади, деб умид қиламан.

Бугунги жаҳон ёшлари шундай эзгу ишларнинг наинки иштирокчиси, балки асосчиси бўлиб қоладилар. Уларнинг олд сафида ўзбек ёшларим бўлади. Зеро, ёшларни қўллаб-қувватловчи юртингизга муносиб юртбошингиз бор...

Сухбатни Аслидин АБДУЛАЗИЗ ўқиб ёзди

Собиқ канцлерни айблашмоқда

XX асрнинг сўнгги ўн йилликлариди энг шов-шувли воқеалардан бири ГФР, сўнгра Биришган Германия давлатига узок вақт раҳбарлик қилган Гельмут Колинг ўзи бошчилигидаги Христиан демократик иттифоқи жағмармасига билад туриб, ноқонуний маблағларни қабул қилганлигини ошкор этгани бўлди.

Германия халқи бир овоздан мамлакат собиқ канцлери Гельмут Колга нисбатан тергов жараёни бошлангани, нафақат у раҳбарлик қилаётган Христиан демократик иттифоқи, балки бугун Германия нуфузига жиддий пугур етказганини таъкидламоқда. Бундай фикрлар тобора кўпайиб бораётган бир пайтда Колинг собиқ маслақдошлари зўр бериб ўндан узоклашишга уринмоқдалар. Германия прокурорлари ҳатто бошида Колга қарши бўлиб, кен қўламини тергов ишлари олиб борилаётганини эълон қилдилар. Мамлакатга 16 йилдан кўпроқ вақт раҳбарлик қилган, икки немис давлати бирлашувининг асосчиси бўлган ва яқин-яқинларга XX аср немис сийсатчилари орасида алоҳида маъке эгаллаб келган Гельмут Коля халқ ишончини сийсатимол қилганлигида айбонлиқ тергов этилмоқда. Ҳамма маш-маша собиқ канцлернинг ўз партия жағмармасига махфий манбалардан маблағ қабул қилганини тан олгандан сўнг бошланди. Айни пайтда Коля бу маблағ партиянинг маҳаллий бўлимларига тарқатилгани ва ўзи бу пулни бирор тийинини ҳам ўлаштирмаганини таъкидламоқда. Гап шундаки, сийсий партияларнинг сайловлиди кампаниялари молиялаштириш ҳақидаги немис қонунари амалий манбалардан энг кўпи билан 20 миңг немис маркеси миқдориди хайрига пули қабул қилишга рухсат этилади. У ёки бу партия ўз жағмармасига 20 миңг маркадан бир тийин бўлсин ортиқча пул ўлаштиришга истаган шахс ёки ташкилотлар номини жамоатчиликка эълон қилиши лозим. Коля Христиан демократик иттифоқи жағмармасига 2 миллион марка маблағни махфий суратда қабул қилганини тан олиши қарамай, хозирча бу пулни ким берганини айтишдан бош тортмоқда. Бундай қўтилмаган воқеа эса Христиан демократик иттифоқи мавқеига кучли зарба берибгина қолмай, партияни ўз жағмармасидан ажраб қолиши хавфини тугдирипти. Немис матбуоти бошланган тергов жараёнларини Гельмут Колинг ҳаётини энг қора кунлари дея таърифлапти. Маълумки, Германия ўтган юз йилликдаги жаҳон жамоатчилиги тафаккурдаги қолдирган «қора доғ»ларни ювишга, 2000 йилни ёруғ юз билан

кутиб олишга зўр бериб интилди. Янги йилга санокли кунлар қолганда Германия ҳукумати ана шу итилишнинг яқол исботи сифатида нацистлар даврида мажбуран ишлатилганларга 2000 йилдан бошлаб тоvon пули тўлашга қарор қилганини эълон қилди. Айрим матбуот нашрлари 2000 йилга ўтар кечаси халқаро компьютер тизимларидаги мавжуд далиллар «йўқолиб», Гельмут Коля ва унинг партиясини жиноий жавобгарликдан қутқариш мумкинчилигини таъкидлаганди.

Мабодо компьютерларда бундай инкориз содир бўлса, у ҳолда Христиан демократик иттифоқи компьютерлардаги ҳужжатлари йўқолиб қолиши ва шу орқали тергов жараёни боши берк кўчага кириши мумкин эди. Бирок бундай ҳодиса...

Колинг шериклари ўндан узоклашишга ва шу орқали мураккаб ҳамда жиддий можародан нуфузларига пугур етказмасдан «силлиқ» чиқишга уринмоқдалар. Чунки, партия етакчиларидан бири Мюллер Коля махсус пул ўтказганлар номини жамоатчиликка ошкор қилиши сўраб, мурожаат қилган. Айни пайтда Германия нашрлари Коля устидан бошланган тергов жараёни хали унинг қандайдир жиноятда айбли деб топилган деган фикрни билдирашларини айтмоқдалар. Зотан, хозирги тергов Гельмут Колинг узок йиллик сийсий нуфузига Коля устидан бошланган тергов жараёни хали унинг қандайдир жиноятда айбли деб топилган деган фикрни билдирашларини айтмоқдалар. Зотан, хозирги тергов Гельмут Колинг узок йиллик сийсий нуфузига Коля устидан бошланган тергов жараёни хали унинг қандайдир жиноятда айбли деб топилган деган фикрни билдирашларини айтмоқдалар. Зотан, хозирги тергов Гельмут Колинг узок йиллик сийсий нуфузига Коля устидан бошланган тергов жараёни хали унинг қандайдир жиноятда айбли деб топилган деган фикрни билдирашларини айтмоқдалар.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,
сийсий шарҳловчи.



Икки томонлама тўқнашув

Конго Демократик Республикаси (КДР) шимолдаги Конго озолик ҳаракати кўзголончилари етакчиси Жан-Пер Бембаннинг маълум қилишича, икки томонлама тўқнашув чоғида унинг бўлиналари ҳукумат ҳарбийларидан 200 дан зиёдини қириб ташлаган. Ҳукумат армияси билан кўзголончилар ўртасидаги қонли тўқнашув ўтган ҳафтада мамлакат пойтахти Киншаса яқинидаги Кука шахрида бўлиб ўтди.

Тахминлар кўпаймоқда

Ливия ҳукумати Италия раҳбариятидан 1980 йилнинг июнь ойида ўрта ер денгизига қўлаб тушган ДС-9 самолёти ҳалокати сабабларини аниқлаш борасидаги ишларда ливиялик мутахассислар ҳам иштирок этишига рухсат сўради. Италиянинг «Алтиалия» ҳаво йўллари компаниясига тегишли бўлган мазкур самолётда 80 нафар йўловчи бўлган. Тиропол ташқи ишлар вазирлиги вакилининг фикрича, ливияликлар ҳуқуқий жиҳатдан, яъни хавфсизлик нуқтаи назаридан мазкур текширув ишларида иштирок этиши лозим.

Бир неча ой муқаддам Италия ҳукумати тўрт нафар генерал ва зобитни радар экранидида самолёт ҳалокати сабабларини аниқлашга имкон туғдирувчи ёзувларни яширганликда айблаганди. Шу боис текширув ишлари яна қайта бошланган эди.

Ушбу самолёт ҳалокати ҳақида ҳанузгача аниқ бир тўхтамга келингани йўқ. Айрим мутахассислар самолёт бомба қорлаганини айтса, ливияликлар самолёт уриб туширилган деб тахмин қилаётир.

Одам учун «эхтиёт қисмлар»

Инсоният ўзи яратган ҳамма нарсага «заҳира» қисмларини яратди. Енгил машина дейсизми, фазода парвоз қилувчи лайнерми? Табиат одамлагам ниманидир «қўшиш», «олиш» мумкин. Усинликларни-чи, ча-тиштириш хуллас, алмаштириш мумкин-да.

Одам-чи? Одамнинг тана аъзосининг «заҳираси» бўлади-дими? Гапни шу мавзуга боришданок кишининг эти сесканиб кетади. Ахир, Яратганнинг ўзи одамзотнинг тўрт мучасини тугал яратган-ку. Биз истаимизми-

йўқми, тараққиёт «одам»ни ҳам четлаб ўтмаган-да.

Баъзан одам ўзи яратган «кашф»дан ўзи бармоқ «тишлаб қолади. Ахир, атомни яратган олим умр бўйи руҳий азобда ўтгани ростку. Гап ҳозир бу ҳақда эмас. Англаган бўлсангиз, одамнинг «эхтиёт қисм»лари устиди борапти. Тиб-биётда бу «тана аъзолари» ни кўчириб ўтказиш» термини билан аталади. Албатта, бу «кўчириш»лар фақат жароҳлиқ йули билан бажарилади. Очиги, ривожланган мамлакатларда

буйрак «кўчириш» унчалик янглик ҳам бўлмай қолган. Дунёда юз миңглаб «бегона буйрак» билан ишлаб юрганлар бор. Айтайлик, Россияда йилга 500 талаб шундай «кўчиришлар» бўлади. Кўчириш-ку кўчириш, лекин ишлаб кетишичи? Уларнинг 70 фоизи ҳаётга қайтган.

Бундан-да маҳзунни — «эхтиёт қисм»ларини сотувчилардир. Дунёда жигари «кўчирилган» юз миңглаб одамлар бор экан. Аммо бу инсон ҳаётини сақлаш учун энг сўнгги чора сифатида-

рози йўқ. Чиқмаган шондан умид дейдилар, ахир. Ёруғ одамга бир сония бўлса-да, яна боқиб шакардан азиз.

Жонига жабр қилувчиларнинг ишчим тараққиёт, тиббиёт инчилиги. Билмадим, буни оқлаш ҳам, қоралаш ҳам қийин. Ҳа, гап пластик-жароҳлиқ устиди кетяпти. Юзлаб одамлар қанқа бурнини, шалпанг қўлгини «кестан», кўзининг шаклини, рангини ўзгартирган, юз қиёфасидан кўнгли тўлмаган қанча? Ҳатто хозирги пайтда юз терсинин бугуналай бошқа рангта солувчилар ҳам топи-

лади.

Лобарлик. Сунъий гўзаллик. Майли-да, қараганда кўз қувондиган дилбарлик «орғилари» бу «саҳна» қайсидир маънодаги жонга жабрликка ўхшайди-да. Кўпинча гўзаллик учун жонга жабр қилиш керак дейишса, шунчаки гап деб ўйлардим. Йўқ, нотабий дилбарлик осомас экан.

Ўзалим-хунукми одамзотни Яратганнинг ўзи берган ҳуснидан, тароватдан бошқаси беқорай. Ҳаёт шунчаки, йўқолиш, топишлар ёнма-ён.

Шов-шув эмас

Сим орқали суҳбат

БМТ Бош котиби Кофи Аннан ва Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе ўртасида телефон орқали суҳбат бўлиб ўтди. Унда томонлар Шимолий Кавказдаги хозирги вазият, хусусан, Чеченистондаги можаро юзасидан фикр алмашди. Шунингдек, мулоқот чоғида Абхазия муаммоси муҳожима қилинди.



Аҳоли сони камайса-я?

БМТдаги аҳолишунослик масалари билан шуғулланувчи мутахассисларнинг фикрича, XXI асрнинг ярмига бориб Европа ва Японияда аҳоли камаяди. Жумладан, Италияда хозир 57 миллион киши яшаётган бўлса, 2050 йилга бориб мамлакат аҳолиси 41 миллион киши ташкил қилади. Японияда эса аҳоли сони бу вақт ичиди 127 миллиондан 105 миллионга тушади.

Сим орқали суҳбат

БМТ Бош котиби Кофи Аннан ва Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе ўртасида телефон орқали суҳбат бўлиб ўтди. Унда томонлар Шимолий Кавказдаги хозирги вазият, хусусан, Чеченистондаги можаро юзасидан фикр алмашди. Шунингдек, мулоқот чоғида Абхазия муаммоси муҳожима қилинди.

Шов-шув эмас

Сим орқали суҳбат

БМТ Бош котиби Кофи Аннан ва Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе ўртасида телефон орқали суҳбат бўлиб ўтди. Унда томонлар Шимолий Кавказдаги хозирги вазият, хусусан, Чеченистондаги можаро юзасидан фикр алмашди. Шунингдек, мулоқот чоғида Абхазия муаммоси муҳожима қилинди.

Сўфи Оллоёр руҳи биз билан

Ушбу фараҳбахш кунларда бутун вилоятимизда бахт ва сурур айми кезмоқда. Сўфийлик тарикатининг намояндalarидан бири, тасавуф илмининг билимдони, етук шоир ва аллома, ҳамюртимиз Сўфи Оллоёр Каттақўрғоний таваллудининг 355 йиллигини катта шодоналар билан ўтказишга қизгин ҳозирлик қўрилмоқда. Хурсанд, Каттақўрғон шаҳрида ҳам бу қутлуғ айёмни нишонлашга алоҳида тайёрлик қўриляпти. Айни кунларда Сўфи Оллоёрнинг

фасида ушбу шодонага атаб яна қандай эзгу ишлар бажарилди?

— Яқинда Самарқанд шаҳрида Сўфи Оллоёрнинг ҳаёти ва ижодий меросига бағишланган илмий-амалий анжуман, Самарқанд, Каттақўрғон шаҳри, Иштигон туманидаги меҳнат жамоалари, ўқув юртида Сўфи Оллоёрнинг ҳаёт-фаолияти ҳамда бой ижодий меросига бағишланган мушоира, учрашувлар, давра суҳбатлари, шунингдек Сўфи Оллоёр қадамжоларининг

Миллат ва маънавият

бўйлаб илмий экспедиция уюштирилди. Шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган рисола нашр этилди, юртлишнинг номини абадийлаштириш билан боғлиқ ишларни яна бир марта қўриб чиқиш, бугунги адабий жамоатчиликка маълум бўлмаган газалларини тўплаб қайта нашр этиш, кўлемларини излаб топиш ва тегишли жағрамаларга топшириш ишлари режалаштирилган. Айниқса, «Маънавият ва маърифат» Кенгашининг вилоят, шаҳар туман бўлимлари, СамДУ «Олтин мерос» жағрамаси бу ишга жиддий эътибор қаратмоқда.

Байрам дастури билан ҳам таништирсангиз?

— Тантаналарнинг асосий қисми Сўфи Оллоёр ёдгорлик мақбараси хиёбонидида ва унинг табаррук номи билан аталувчи маҳаллада бўлиб ўтади. Каттақўрғон шаҳридаги Абдулхамид Мажилий номи ўзбек давлат драма театрида илмий-амалий, бадиий-музикавий анжуман ўтказилиши режалаштирилган. Жаҳоннинг кўнлаб мамлакатларидан ташриф буюрган меҳмонлар ҳам тантаналарда иштирок этади. Дарҳақиқат, бугун Зарафшон воҳасининг бир бўлаги бўлиши кўнлаб Каттақўрғон яшариб янада гўзаллик касб этмоқда.

Каримжон СОАТОВ

Ўтган 1999 йилимизнинг таҳликали онлари, яъни, бир тўда каллақесарларнинг Қирғизистон худудига кириб, мамлакатимиз тинчлигига ҳам раҳна солиши ҳар қайсимизни ларзага келтирди. Туну кун телевидениени ҳаяжон билан кузатиб бордик. Матбуот қўлма-қўл бўлиб кетди. Нима гап? Ҳаммамизни шундай таҳликали саволлар безовта қилиб турди. Ана шундай пайтда ЎзТВ «Ахборот» дастури мавжуд воқеа-

Ҳавас

бўлса, аллақердан чийиллаб учган ўққа рўбару келишга ҳам тайёр. У ўз касбига содиқ қолиши керак. Журналистика унинг учун қисмат. Касбни қисмат даражасига кўтариб ардоқлаш эса жуда-жуда юксалиқдир.

Барча қатори мен ҳам ҳамкасбим узатган хабар-репортажларни кузатиб бордим. Гапнинг очиги, экранда унинг уяли телефон

қаратилган кўзгу бўлишини жуда-жуда хоҳлайман. Муҳим сиёсий жараён — сайловларда голиб келиб депутатликка сайланганлар ичида журналистларимиз ҳам бор. Демак, ўзбек журналистикаси ҳаётнинг ичида, давр билан ҳамнафас. Жамиятда пешқадам. Демак, ўзбек журналисти Лондон ё Париж, Рим ё Нью-Йорк, хуллас, ер ўзининг исталган жойидан дунёвий хабарларни, телелавҳаларни айна

«Муҳаммадҷон Обидов. Зардоли қишлоғидан...»

2000 йилда барча ҳамкасбларимиз тинчлик тантана қилган жойлардан интервью беришсинлар...

дан воқиф қилиб борди. Тележурналист биродаримиз Муҳаммадҷон Обидовнинг воқеа рўй берган жойининг ўзидан узатган хабарлари, тайёрлаган репортажлари кишиларимизга бор ҳақиқатни намоеён қилиш билан биргаликда, айрим хорижий матбуот вакиллари тарқатган ёлғон сафсаталарни йўққа чиқарди.

Халқимиз журналистларнинг чинакам мардлар, жасоратлар, фикри ўткир кимсалар, керак бўлса, хизмат тақозоси ўлароқ ўз жонини ҳавф-хатарга қўйишига ҳам қодир инсонлар эканлигига имон келтирди.

Тасаввур қилинг. Ҳавф. Отишма. Тузоқ. Телемухбир камерасини кўтариб воқелик ичига кириб борди. Ортида минглаб кишиларнинг ундан бирор хабар кутиб турганини у ҳис қилади. Одамларга бор ҳақиқатни айтиш учун у ҳар нарсага, ҳар қандай заҳматга, керак

ушлаб турган тасвирига боқиб, ботинимда ҳаяжон тошарди. Яша, биродар, ўзингни бардам тут, маҳкам бўл! Сен чин журналистсан! Эер йигитсан! Чекингандаги вазифангни аъло бажараяпсан...

Ҳаёлимдан шу тахлит ўйлар кечарди. Айниқса, у ўз лавҳасини «...Муҳаммадҷон Обидов. Зардоли қишлоғидан...» деб тугатаркан, бир журналист бўлса шундай бўлади-десан деган ўй билан гурурланиб, очиги, журналист эканлигидан фахрланиб қўярдим.

Дилингдаги истакни мавриди келганда айтиш ўрнили деб ўйлайман. Мана, 2000 йилнинг дастлабки кунларида илк мақоламни ёзаяпман. Шу аснода йилимиз бошида ҳамма-ҳамма касб-дошларимга яхшиликлар ёр бўлиб, ижоди доимо нур бўлиб жилоланиб боришини истайман. Ўзбек журналистикаси доимо жамият ва тараққийатга

чоғнинг ўзида туриб узатолди...

Демак, энди, ўз атрофда ўралашиб қолиш билан иш юришмаслигини яхши англайди. Тўғри, ўз атрофимизда хато ва камчилик бўлса матбуотга олиб чиқиш керак.

Аммо, бугунги журналистларимиз учун қамров жуда кенг, дунё сиёсатидаги янгиликлар, мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ўзгаришлар бирламчи бўлмоғи керак.

Барча ҳамкасб дўстларимизга шу машаққатли йўлда омад ёр бўлишини тилаймиз. Ушбу йилда ҳар биримизнинг лавҳа ва репортажларимизда тинч ва осийиш кунлар шуккуҳи акс этсин! Яъни, дейлик ҳамкасбимизнинг овози шу тахлит янграйверсин: «Муҳаммадҷон Обидов. «Ахборот» дастури учун Париж шаҳрида бўлиб ўтган халқаро йигиндан узатилмоқда...»

Кўчқор НОРҚОБИЛ

5-саҳифа

Чув тушди

Қозон шаҳрида яшовчи Н. исмли киши 300 минг рубль пулини долларга мўмайроқ алмаштирмақчи бўлди. Ўзини тижорат фирмаси директори деб таништирган бир аёл унга маъқул курс билан алмаштиришга розилик билдириди.

У мижозни ўзининг хизмат офисига бошлаб келди-да, пуллари темир сандиққа солди ва «кўки»ни олиб келиш учун хонадан чиқди. Ҳожатбарор аёл бир соат ўтса-да келавермагач, пул эгасининг юрагига гулгула тушди ва котибдан заҳира қалит билан пул сандиқни очилиши талаб қилди. Сандиқ очилганда пул эгаси ҳайратдан қотиб қолди: унинг ичига қўйилган пуллар гоийб бўлганди. Директор шу қадар шошилгандики, ҳатто илгакдаги пальтосини ҳам қолдириб кетганди. Албатта, шунча пул билан у юпун қолармиди?!

Фирибгарни топиш жуда қийин, — деб ёзди «Труд» газетаси, — Чунки бунақа фирмалар, одатда, номи бору ўзи йўқ сохта кишилар номига расмийлаштирилган бўлади.

«Нега янтоқ эқдинг?»

Республикаимизда 80-йиллар «пахта иши» тамғаси билан зимдан кадр ва раҳбарлар алмаштирилди. Узокни кўра билмаган биринчи котиб Россия ва Украинадан «мутахассис»ларни ишга таклиф қилди. Улар бобо-деҳқонларимизга пахта экишни «ўрта-тиш»ди.

Самарқанд вилоятининг Қўшрабат туманида чорвачилик ва деҳқончиликдан мутлақо беҳабар Кузнецов деган кимса биринчи раҳбар бўлди. У кунларнинг бирида «Халқобод» хўжалигига келади. Хўжаликнинг ўша пайтдаги раҳбари:

— Чорвамиз ҳам, деҳқончилигимиз ҳам кўнгилағидек. Лалми ерларга қовун-тарвуз эқдик. Ҳосил мўл бўлади, дея илтифот қилади.

— Юр, ўша эккан нарсаларингни кўрсат, — дея осмондан келди биринчи раҳбар.

Хурсанд бўлган хўжалик раҳбари бош мутахассисларни ҳам олиб далага чиқалди. Биринчи котиб кўпчилик олдида ёш раҳбарни ердан олиб, ерга солди, изза қилади.

— Нима учун қовун-тарвузларни суғормаёсан. Сув чиқмайдиган жойга эқдинг? Сени партиядан ўчириб, ишдан ҳайлайман! Яна, қаранглар, экинлар орасига янтоқ экиб қўйибди-я...

Шўринг кўрғур Кузнецов ота-боболаримизнинг минг йиллик деҳқончилиги, урф-одат ва анъаналарини ҳамда лалми экинларда ҳикмат кўплигини қасқдан билсин!

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

Бош муҳаррир Азим СУҲОН

Тахрир хайъати

- Абдулла ОРИПОВ
- Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
- Азиз НОСИРОВ
- Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
- Ислом ШОҒУЛОМОВ
- Норбоб ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
- Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
- Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
- Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
- Валерий ЛАБАРШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: УЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БУПИМЛАР:

- Сўбат — 133-20-36
- Иқтисодийет — 133-76-04
- Маънавият — 133-07-20
- Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 133-55-16
- Ахборот — 133-12-56
- Котибият — 133-21-43

- Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИПОЯТ МУХБИРЛАРИ:

- Андижонда — 25-16-16;
- Бухорода — 23-51-40;
- Гулистонда — 25-16-22;
- Жиззахда — 3-29-44;
- Навоийда — 3-39-20;
- Наманганда — 6-43-43;
- Нукусда — 222-70-12;
- Самарқанда — 35-20-54;
- Тошкентда — 136-12-56;
- Урганчда — 226-51-35;
- Фарғонада — 26-46-84;
- Қаршида — 4-61-35;
- Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 70000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УП.

Навбатчи Саида ЙЎЛДОШЕВА

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида тертиди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастуричи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан утин тартиби №00004 Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ. «Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат тахририят руҳати билан амалга оширилади.

г — 03 Босилган таърихи вақти — 21.00 Топшириқчи — 22.45 1 2 3 4 5 6.

Сотувда эркин нархда

Кулгу — умр зийнати

Ҳар эҳтимолга қарши

Тиш доволочи табибининг ҳузурига келган мижоз ҳамёнини кавай бошлади.

Табиб: — Шошилманг, сиз буғун хизмат ҳақини тўламангиз ҳам бўлади, — деди табиб уни тинчлатиб.

— Ҳалиям сизга нур тўламоқчи эмасман. Ҳар эҳтимолга қарши, нарқоздан олдин ҳамёнимданги пулимни санаб қўймоқчиман, холос.

Эгар шарт эмас

Машҳур киноактёр суратга олиш майдончасида отдан йиқилиб қўли синди. Режиссёр билан бирга ундан ҳол-аҳвол сўрашга келган маъшумқаси режиссёрни қаттиқ койий кетди.

— Смит, ҳеч иккиланмай уни судга бер, сенга етказган молиявий зарарни тўласин. Ахир ким эгарланмаган отга актёрни миндиради? Мана, оқибат, икки орада мен моддий зарар кўрдим.

— Қизишманг, хоним, ахир эпизодда қаҳрамон эгарда ўтирибмас, туриб чонади-да, қолаверса, нега сиз моддий зарар кўрасиз? — деди режиссёр ўзини оқлаб. Қиз барибир бўш келмади.

— Чунки у шу ролнинг «қалам ҳақи»дан менга ҳоле олиб бермоқчи эди-да.

Буну эшитган актёр:

— Азим, режиссёр ҳақ, эгар шарт эмас эди, кейин қўлимнинг эгарга нима алоқаси бор?! — деди.

Дудук қўшиқчи

Танқил опера қўшиқчиси билан тасодифан ҳамсухбат бўлиб қолган муҳлисига ёқа ушлаб дўстига деди:

Биласанми, мен Соловьёвнинг шаҳсан ўзини кўрдим. Ёпирай, шундоқ машҳур операчининг тили чучук, дудук экан...

— Тўхта, — деди дўсти унинг гапини шарт кесиб. — У ўзини сенга ким деб танитди?

— Со-до-оо-оо-о-а! — деди томоғи қирлиб ранги бўзариб.

— Ана, яна сен уни дудук дейсан-а? Унинг унинг исми-шарифини зўрга айтдинг-ку, унинг буоқалиғим шу — операчиёида-да.

Ҳуқуқий давлат сари

Яқинда «Адолат» нашриёти Б. Пулатова, О. Хусанов, Р. Ражабовларнинг «Инсонийлик ва инсон ҳуқуқлари» деб номланган рисоласини чоп этди. Мазкур рисола кадрлар тайёрлаш ва тарбиялашга қаратилган янги йўналишдаги дастурдир.

Рисола ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, касб-хунар коллежлари, академик лицейларнинг тинловчиларига мўлжалланган. Муаллифлар давлат мустақиллиги туфайли қўлга киритилган инсон ҳуқуқлари ва уни қафолатлашга эришилганлигини тарихий воқеа — адолат тактикаси, деб баҳолайдилар.

Китобда шахснинг ҳуқуқий ҳолати, фуқароликнинг аҳамияти, инсон ҳуқуқларининг ягоналиги ва халқимизга мос тарихий ҳуқуқлар, бу борадаги ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида аниқ маълумотлар берилган. Рисолада асосан мактабларда ҳуқуқшунослик фанини ўқитишнинг амалий-услубий жиҳатлари тақомиллаштирилган.

Жумладан, ҳуқуқшунослик фанини ўқитадиган ўқитувчилар олдида аниқ талаб ва вазифалар қўйилган.

Муаллифлар махсус курсни икки бўлимдан иборат ҳажмда ўқитишни тавсия этганлар. Биринчи бўлимда ўн битта саволнома орқали ўқувчини мустақил фикр юритишга, моҳиятини ўзи тушуниб етишига ундайдилар. Иккинчи бўлимда эса «Инсон ҳуқуқлари» фанини ўқитишнинг мазмулари бугунги кун билан боғлаб, ўқувчининг руҳий оламига мос қилиб берилган. Шунингдек, ушбу китобда Ўзбекистонда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари қафолатлари бўлишда амалга оширилган ишлар, энг муҳими Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинган ва қонуний аҳамиятига алоҳида эътибор берилган.

Рисола етук кадрлар тайёрлаш борасида янги йўналишдаги қўлланмадир.

Абдусалом УРОҚОВ доцент, Неймат ҚОСИМОВ доцент



Изоҳга ҳожат йўқ.

Абдурауф ҲАКИМОВ чизган расм